

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETASI

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2025-yil 6-noyabr, payshanba

44 (9364)

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

БАЛИҚЧИЛИК НОРИННИНГ ДРАЙВЕРИГА АЙЛАНМОҚДА

Экологик жиҳатдан тоза шарт-шароитларда етиштирилган балиқ маҳсулотларига талаб ҳамisha юқори. Бу ҳақда сўз кетганда, шубҳасиз, форель балиғи ҳаёлимизга келади. Чунки форель сув ҳавзаларида сунъий эмас, балки табиий шароитларда етиштирилиши шарт. Бу балиқ оқсилга бой бўлиб, ёғ миқдори жуда кам. Шунингдек, у соғлом овқатланишнинг ажралмас қисмига айланиши мумкин, экологик тозаллиги билан жуда машҳур.



Ушбу балиқ турининг алоҳида жиҳати шундаки, чучук сувли те-зоқар дарёларда яшайди ва оқимга қарши сузиб, кўпаяди. Бугунги кунда балиқчилик йўналишида фаолият юритаётган тадбиркорлар мазкур балиқ турларини кўпроқ етиштириш ҳаракатида ва бунинг ортидан яхшигина даромад то-поқдалар. Жумладан, Норин ту-мани ҳудудининг иқлим шароити интенсификатсияда форель балиғини етиштириш учун жуда қулай. Чунки Норин дарёсининг суви ширин ва ҳарорати ҳам меъёрида. Дарё суви-да атроф-муҳитга зарарли кимёвий моддалар ва оғир металллар йўқ.

Вилоят иқтисодиётининг янги драйверига айланаётган балиқ-чилик мазкур туманда ҳам тобора ривож топмоқда. Айниқса, давлати-миз раҳбари шу йил сентябр ойда Наманган вилоятига ташрифи чоғида "Фишвилле Норин" кор-хонаси фаолияти билан танишиб, вилоятда форель етиштириш ҳо-вузлари сонини мингтага етказиш бўйича топшириқ берган эдилар. Ушбу топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида, Норин туманида балиқчилик тармоғида кенг қўламли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Натижада, кўплаб оилаларнинг бандлиги таъминлан-моқда. Бу республикамизда тадбир-корликни қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини ошириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш йў-лидаги саъй-ҳаракатларнинг сама-раси, албатта.

Хусусан, жорий йил бошида Норин туманида интенсификатсияда форель балиқчилигини ривожлан-тириш бўйича дастлабки лойиҳа-лар бошланган эди. Шу кунгача умумий қиймати 40 миллиард сўмлик 200 га яқин ҳавзада фор-ель етиштириш йўлга қўйилди. Лойиҳаларга тижорат банклари томонидан 25 миллиард сўм имти-ёзли кредит ажратилган. Форель балиғини етиштириш учун ҳавза-лар артезиан тик қудуқлар атро-фи ва аҳолининг хонадонларида ҳам ташкил қилинаёпти. Ҳар бир хонадонда ўртача 1,6-1,8 тонна балиқ парваришланиб, 6 ойлик даромад 50-60 миллион сўмни ташкил қилмоқда.



ИННОВАЦИЯ — Кўптармоқли фермерликнинг янги босқичи

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИШЛОҚ ХўЖАЛИГИ СОҲАСИДАГИ КЕНГ ҚўЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР ЗАМИРИДА БИРГИНА ЭМАС, БАЛКИ БИР НЕЧТА АСОСИЙ МАҚСАДЛАР МУЖАССАМ: ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИгини ТАЪМИНЛАШ, ФЕрМЕРЛИКНИ ДАРОМАДЛИ БИЗНЕСГА АЙЛАНТИРИШ ВА ЯНГИ ИШ ўРИНЛАРИНИ ЯРАТИШ. БУ МАҚСАДЛАРГА ЭРИШИШДА ИННОВАЦИЯ, ТЕХНОЛОГИЯ ВА ИЛМИЙ ЕНДАШУВ АСОСИЙ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧ бўлмоқда. ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ШАВКАТ МИРЗИЕВ ТАЪКИДЛАГАНДЕК, "ҚИШЛОҚ ХўЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЕТИНИНГ ЭНГ ҚАДИМИЙ, ҲЕЧ ҚАЧОН ўЗ ўРНИ ВА АҲАМИЯТИНИ ЙўҚОТМАЙДИГАН ТАЯНЧ ТАРМОҚЛАРИДАН БИРИДИР".

Бу эзгу ғояларнинг амалий ифодаси сифатида яқинда Тошкент вилояти Янгийўл туманида жой-лашган "Томорқачиликни ривожлантириш миллий маркази"да ташкил этил-ган "Фермер хўжаликлар-ида инновацион лойиҳа-ларни жорий этиш орқали кўп тармоқли фаолиятни ривожлантириш вази-фалари" мавзусида кўргаз-мали семинар намуна бўла олади.

истикболли йўл харитасини белгилаб берди.

Фермерлар учун инквлобий имкониятлар ва солиқ имтиёзлари

Семинарда фермерликни ривожлантириш учун давлат томонидан яратилган им-кониятларга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Прези-дентимизнинг бир-бирини тўлдирувчи икки муҳим ҳуж-жатининг мазмун-моҳияти кенг тушултирилди. 2025 йил 8 апрелдаги "Қишлоқ хўжалигида ер муносабат-ларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбир-лар тўғрисида"ги қарорига асосан, 50 гектардан кўп-ер майдонига эга бўлган қишлоқ хўжалиги корхона-ларининг ер участкаларида асосий фаолиятга тегишли бўлган 20 сотихгача енгил конструкцияли бино ва ин-шоотлар мисол учун иссиқ-хона, совиткичи омборлар, қайта ишлаш ва сув иншо-отларини қуришга рухсат берилгани тушултирилди.

Янги асп фермерлари учун янги имкониятлар

Семинарда мамлака-тимизнинг турли худуд-ларидан 180 дан ортиқ фермерлар, қайта ишлаш корхоналари ва соҳа му-тахассислари ташриф бу-юрди. Тадбир нафақат назарий билимлар, балки амалий қўлга олинган билан бойитилгани унинг самара-дорлигини янада оширди. Семинар давомида муҳока-ма қилинган асосий йўна-лишлар фермерлар учун

(Давоми 2-саҳифада)

Жорий йилда мамлакатимиз аграр соҳаси учун алоҳида аҳамиятга эга сана – Тошкент давлат аграр университетети ташкил этилганига 95 йил тўлди. Бу санани университет жамоаси нафақат ўзининг, балки бутун Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тизимининг фахрли тарихий босқичи сифатида нишонламоқда. Чунки бу 95 йил илм, меҳнат, янгилик ва фидойилик йиллари демакдир.

Тошкент давлат аграр университетининг 95 йиллик шонли йўли



Университет ўз фаолияти-ни 1930 йилда Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги институ-ти сифатида бошлаган. Ўтган йиллар давомида бу даргоҳ мамлакатимиз аграр соҳаси учун юз минглаб малакали мутахассислар – агроном-лар, селекционерлар, ме-люораторлар, ветеринария шифокорлари, иқтисодчилар ва инновацион тафаккурли ёшларни тайёрлаб берди. Бугунги кунда университетда ўн мингдан ортиқ талаба таҳсил олмақда. Таълим жараёнлари замонавий ахборот-комму-никация технологиялари, рақамли агротехнологиялар ва халқаро стандартларга мос дастурлар асосида таш-кил этилган. Дарс машғулот-лари "ақлли иссиқхоналар", тажриба майдонлари ҳамда

агросоаноат кластерлари билан узвий боғланган ҳолда олиб борилмоқда. Сўнги йилларда Ўзбе-кистон аграр соҳасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ресурс те-жамкор технологиялар, сув-дан оқилона фойдаланиш, органик дехқончилик, ер унумдорлигини ошириш ва экинларнинг генетик хилма-хиллигини сақлаш йўнали-шларида долзарб илмий из-ланишлар олиб борилмоқда. Бу жараёнларда ТДАУ олим-лари етакчи рол ўйнамоқда. Университет қошида фаолият юритаётган "Агроинновация" илмий маркази, Агробизнес ва рақамли иқтисодиёт ла-бораторияси, шунингдек, хорижий олийгоҳлар билан йўлга қўйилган қўшма таъ-лим дастурлари замонавий мутахассисларни тайёрлаш ва илмий ютуқларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишга хизмат қилмоқда. (Давоми 2-саҳифада)

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

Кўз очиб юмгунча... МИЛЛИОНЛАР ХИРМОНЛАРГА УЮЛДИ

Кўйи АМУДАРЁ МИНТАҚАСИДА ИҚЛИМ БОШҚА ВИЛОЯТЛАРГА ҚАРАГАНДА АНЧА КЕСКИН, АНЧА БЕТАЙИН. ҚИШ ҚИШЛИгини ҚИЛАДИ – АНЧА ЧўЗИЛАДИ. АЙРИМ ЙИЛЛАРИ НАВРўЗДА ҚОР ҒИМБ БЕРИШИ БОР. САРАТОНДА ҲАВО ҲАРОРАТИ МУСБАТ ЭЛЛИКДАН ОШИШИ ҲАМ ОДАТИЙ ҲОЛАТ. ШУНДАЙ КЕСКИН КОНТИНЕНТАЛЬ ИҚЛИМ ШАРОИТИДА ДЕҚОНЧИЛИК ҚИЛАЁТGANЛАРГА ТАСАННОЛАР АЙТАМИЗ. ВОҲА ТАРИХИДА БУ ЙИЛ КУЗГИ ПАХТА ЙИГИМ-ТЕРИМИ ЛОФИ БИЛАН АЙТСАК "КўЗ ОЧИБ ЮМГУНЧА" ТУГАЛЛАНДИ.



Бир ҳафта ичида пахта топши-риш режасини уудалаган фермерлар ҳақида ижтимоий тармоқларда ёйил-ланган хабарларга ишонмаганлар бўлди. Яна денг, бир теримдаёқ ҳар гектардан 45-50 центнерлик хирмон кўтарилди. Яқин ўтмишда бу миқдор хирмон яратиш учун бутун воҳа аҳли

икки-уч ой ва ҳатто қора қишгача отиздан чиқмасди. Янгибозор тумани-да фаолият юритаётган фермер хўжалиги ҳар гектар майдондан 63 центнер ҳосил олгани ҳақидаги ха-барга илово қилинган суратни кўриб ёқангизни ушлайсиз. (Давоми 3-саҳифада)

XXI асп – ахборот ва технологиялар аспри. Аммо бу тараққиёт бизни озод қилгани ёки ўз қўлимиз билан рақамли тузоққа тушдикми? Юз йил олдин ҳаёт қандай эди-ю, ҳозир қандай?! Дунё юз йил олдин ҳозирги ҳаётни тасаввур қилган эдимиз? Йўқ, албатта. Балки қисман тасаввур қилгандир, лекин бу даражада қулайлик ва имкониятлар ҳақида эса ундай дея олмайдим. Иккинчи жаҳон урушидан кейин тинчлик қадрига етган дунё ривожланиш сари одим ота бошлади. Бунга мисол сифатида 1946 йил илтироз қилинган ЭНИАС компютери, 1973 йилдан бошлаб симсиз телефон орқали қўнғироқ қилина бошланиши, 1983 йилда интернет яратилишини кўрсатишимиз мумкин. Буларнинг ҳаммаси XX аспда содир бўлган. Хўш, XXI асп ҳақида нима дея оламиз?

Дофамин тузоғига илинманг!

XXI аспда технологиялар янги босқич-га қадам қўйди. Энди инсонлар ўртаси-даги алоқаларда технологиялар ажрал-мас рол ўйнай бошлашди. 2004 йилда Facebook, 2009 йилда Whatsapp, 2010 йилда Instagram, 2013 йилда Телеграм яратилишини гапимиз исботи сифатида келтиришимиз мумкин. Энди ортиқча вақт ва куч сарфлаб бир-биримиздан хабар олишга ҳожат қолмади. Шунчаки, интер-нет орқали ушбу платформалар орқали бир-биримиз билан гаплашишимиз, хо-тираларимизни улашимиз, янгилик-лардан бохабар бўлишимиз мумкин. Бу томондан олиб қараганда жуда фойдали ривожланиш эди. Аммо ҳозир ҳам биз

буларга шу жиҳатдан қарай оламизми? Улар вақтимиз ва энергиямизни тежайди, деб бемалол айта оламизми? Ижтимоий тармоқлар орқали олиб чиқилаётган но-мақбул саҳналар, ёшлар онгига таъсир этиши мумкин бўлган нотўғри ғоялар, жамиятда юриш-туриш қондаларига тўғри келмайдиган турли ҳаракатлар – булар-нинг барчасини эътиборсиз қолдириш тўғрими? Ахир, бугунги ёш авлод шу каби контентларни (интернетдаги ҳар қандай шаклдаги маълумотлар) кўриб вояга етмоқда ва бу уларнинг яхши ва ёмон-ни ажратишига, тўғри ва нотўғри ишни фарқлашига тўсқинлик қилмасмикан? Рақамли дунё ҳақида гапирар эканмиз,



аввало ундан фойдалана олиш даражасига тўхталайлик. Жорий йилги статистик маълумотларга қараганда, дунё аҳолисининг деярли 70 фоизи ижтимоий тармоқлардан фойдаланар экан. Бу деярли 5,5 миллиард инсонга тўғри келади ва ўртача ҳисобда ҳар бир инсон 3 соат кунига рақамли дунёдан фойдаланар экан. Эътироз билдиришимиз мумкин, ҳамма кунга 3 соат фойдалан-майди деб, аммо бу ўртача ҳисобда олин-ган ва кимдир 3 соатдан кам фойдаланса, кимдир кўп дегани. Ҳисоб-китоб қиладиган бўлсак, бир кунда 3 соат, 1 ойда 90 соат, 1 йилда деярли 45 кунга тўғри келади. (Давоми 4-саҳифада)

Боши 1-саҳифада

Яна бир эътироз тугилиши табиий, балки улар бу вақтини фойдали ишга сарфлаётгандир, фойдали мақсадда фойдаланаётгандир? Аммо, халқимизда “Беш қул баравар эмас”, деган гап бор, яъни шубҳа йўқдирки, шунчаки вақтини исроф қилаётганлар ҳам йўқ эмас. Биз уларга ақл ўргатишдан йироқмиз, ҳар кимнинг ўз вақтини нимага сарфлаши ўзининг қўлида. Энг ёмон томони, бу ижтимоий тармоқларга боғланиб қолиш, мажозий маънода “қул”ига айланиб қолиш, десак ҳам бўлади. Аммо нега шундай? Нега осонликча унга боғланиб, уни ҳаётининг ажралмас қисмига айланттириб олишади? Бу саволларнинг барчасига жавоб – дофамин!

Дофамин тузоғига илинманг!

Авваламбор, дофамин ўзи нишага деган саволга жавоб бериб олсак. Дофамин бу мияда нерв хужайралари ўртасида сигнал жўнатиш учун жавобгар бўлган модда, яъни у орган эмас, балки миямиздаги модда. У бизнинг мотивациямиз, ҳаракатимиз, кайфият, ҳиссиётларимиз, уйқумиз билан боғлиқ. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, биз бирор ишни бажарганимизда мотивациямиз ошса, кайфиятимиз кўтарилса, демек миямиз дофамин олганини билдиради. Албатта, ҳамма нарсада бўлгани каби дофаминнинг ҳам меъёри бор. У етишмас организмида депрессия, диққат ва эътибор етишмовчилиги кузатилиши мумкин. У ҳаддан ташқари ортиб кетса эса баъзи руҳий муаммоларга олиб келади. Масалан, ғалати фикрлар ва галлюцинациялар, яъни, мавжуд бўлмаган нарсаларни бордек ҳис қилиш. Демак, дофамин бизга керакли бўлган модда ва организмимиз уни табиий ишлаб чиқара олади. Масалан, жисмоний фаолият, тўғри овқатланиш, етарли уйку ва кичик мақсадлар бажариш орқали дофаминни табиий меъёрга ушлаб туришимиз мумкин. Энди эса ижтимоий тармоқлар мавзусига қайтсак, дофамин билан нишага боғлиқлиги бор? Виртуал оламдан фойдаланганимизда организмимизда ўзимиз сезмаган ҳолда ўзгаришлар содир бўлади. Масалан, Instagramни мисол қиладиган бўлсак, 1 дақиқа ичида бир нечта шортс (қисқа видеолар) кўрамиз ва улардаги мавзу турлича ва бизга турли кайфият ва энергия беради. Мана шу ҳолатда биз бу видеоларни кузата туриб завқланиш туйғусини бошдан кечираемиз. Содда қилиб айтадиган бўлсак, дофамин бу “мукофот гормони” ва биз ижтимоий тармоқлардаги фаолиятларимизда (лайк босиш ёки комментарий ёзиш ёхуд шунчаки кузатиш) ундаги кон-


интиламиз, ўсамиз. Муаммо уни қай усулда олишда, ижтимоий тармоқлар орқали осон дофамин олиш бир қатор муаммоларга олиб келади. Хўш, бу масалага ечим борми? Дофаминнинг мақсадини тушундик, у бизни олдинга интилимизга ёрдам берувчи гормон ва шунинг учун бир соат китоб ўқиш ёки спорт билан шугулланиш натижасида дофаминни вужудимизда пайдо қилиб, биз яна ўз мақсадимиз томон давом этаемиз. Ечим бериш учун миямизни осон йўлни эмас, балки қийин йўл билан дофамин олишга интилишимизга олиб келишимиз керак. Осон “мукофот”ланганда биз натижадан маза қиламиз ва бу қисқа вақт давом этади. Қийин йўл билан олганда эса биз жараёндан завқланамиз ва бу узоқ давом этади. Бу муаммога ечим оддий. Кундалик ҳаётимизни кузатиб, қийин йўл билан олинган дофаминни кўпайтириб, “тез мукофот”ни камайтириб боришимиз керак. Олдин 3 соат виртуал оламда фаол бўлсак, аниқроқ айтадиган бўлсак, осон йўл билан дофамин оладиган бўлсак, энди 2 соат 50 дақиқа, кейин 2 соат 40 дақиқа ва ҳоказо. Уни аста-секин камайтириб бориш керак. Натижада, орадан вақт ўтиб у барқарорлашади. Олдин таъкидлаганимиздек, кичик мақсадларимизни бажариш, жисмоний фаолият, етарли уйку, тўғри овқатланиш – булар табиий ва қийин йўл билан олинган дофаминнинг асосий манбаларидир. Дофаминнинг ўзи эмас, уни қандай олишимиз бизнинг кимлигимизни белгилайди. Қийин йўл билан топилган завқ бу энергия, осон “мукофот” эса тузоқдир. Демак, келажак авлодни бу тузоқдан асраш ҳар бир онгли инсоннинг бурчидир.

Яшнаербек КАДИРБЕРГАНОВ, Тошкент давлат юридик университетини талабаси.

“Ҳаётимда ижтимоий тармоқлар пайдо бўлмагунча, ҳеч қачон ўзимни ёлғиз ҳис қилмаганман. Орадан беш йилча вақт ўтди, энди ёлғиз қолганимда ёлғизликни ҳис қилмаслик учун менга хабарлар ва лайклар керак”

КИМГА “ЛАЙК” БОСАЙЛИК?

ўзингни кўз-кўз қиласан, газеталарда ёзилмайдиган хабарларни ўқийсан, телевизорда намойиш этилмайдиган лавҳаларни кўрасан, керак бўлса ўзинг жойлаштирасан... Хуллас, ахборот уммонида баликдек яйрайсан, қушдек хоҳлаган жойларга учасан. “Лайк”лар сонини ошириш, обуначиларни кўпайтириш мақсадида савиясиз ва мазмунсиз махсулотларни атайлаб тайёрлашади. Биз эса бундай контентни завқ билан “истеъмол қиляпмиз”. Энг ачинарлиси, ижтимоий тармоқлар фойдаланувчиларининг аксарияти ёшлар эканлигидир. Мафқураси ва дунёқараши ҳали тўлиқ шакланмаган бу қатлам савиясиз контентдан таъсирланмасдан қолмайди. Бу келажакда ёшларнинг фикрлаш тарзи ва қарашларига салбий таъсир ўтказиши мумкин. Шу боис, биз ўзимиз кўраётган ва истеъмол қилаётган контентни танлашга масъулият билан ёндашишимиз лозим. “Telegram” “Instagram” “You Tube” ижтимоий тармоқларни кўриш ва маълумотлардан хабардор бўлиш одат тусига айланган. Дунёдаги ҳамма гап шу ерда. Сўнгги пайтда телевидениега, радиога ҳам эҳтиёж қисман қармоқдур. Дунё янгиликларидан хабардор қилиб турадиган ижтимоий тармоқлар бор. Истаёмизми, йўқми, бизнинг бугунги хатти-ҳаракатларимизни бошқарадиган бўлиб қолди. “Лайкбозлик” эса алоҳида масала. Назаримда лайкбозлик ҳам қарсакбозликнинг бир тури. Ўқийсанми, ўқимайсанми, фарқи йўқ, бир қарсак чалиб қўйгандай мунгайиб турган постларга лайк



босиб қўясан. Шу боис овоз оласан. Яқинда ишхонамизда биттаси катта бир мажлисда даъво билан чиқди. Эмишики, “ҳасадгўйлар” постларга лайк босмас эмиш. “Қарсак чалинг, менга қарсак!”, деганлардай бўлди бу ёғи. Бир ёқдан давлат бошлиғининг ўзи қарсакбозликка қарши чиқса-ю, бу ёқдан лайкбозлик ёқланса. Энг қизиғи, эндиликда ҳар бир ҳодим постга босилмаган лайклар учун ҳам тушунтириш беради. Қойилмисиз?! Фикрингиз тўғри, одамларнинг қўлаб муаммолари ижтимоий тармоқлар орқали ҳал бўлаётти. Жамоатчилик фикрини шакллантириш, муаммога эътибор қаратишга интилишлар ўз самарасини бераётти. Виртуаллашиб бораётган, лайкбозликка чалинаётган бир пайтимизда ҳаёт олдимиздан ўтиб кетмоқда. Мана биз кутган реаллик... Унда ечимини кутётган муаммолар талайгина бўлиб турган бир пайтда биз эса лайк учун мусобақа ўйнаймиз. Худди лайк ҳаётимизни энгиллаштираётгандай... Шундай экан, ёшларимиз ижтимоий тар-

кашфиётлари, ихтиролари ва рационализаторлик таклифларини бутун дунёга тарғиб қилиш кечиктириб бўлмас вазифалардан. Пировардида, ижтимоий тармоқлар сегментини фаол ёшлар иштирокида ташқи тарғибот ишларининг самарадорлигини жиддий равишда оширадиган омил даражасига олиб чиқиш зарур. Бу билан биз навқирон авлодни турли балолардан ҳимоя қилиш, уларни маънавий, комил инсонлар этиб тарбиялаш ишига ҳисса қўшган бўламиз.

Мутахассисларнинг ўрганишлари натижаларига кўра, ижтимоий тармоқларда бачкана, маъносиз ва беҳаё мазмундаги, ҳақоратли сўзлардан иборат видеолар ҳамда хабарларнинг кўплиги аниқланган. Бундай мазмундаги контентнинг муаллифлар томонидан қўйлишига сабаб, қўп “like” олиш ва мухлислар сонини кўпайтириш ҳам ўзини ўзи кўз-кўз қилишдир. Лекин шунинг ҳам таъсир керакки, ижтимоий тармоқларнинг фойдали тарафлари ҳам бисёр. Хусусан, ахборот алмашинувнинг жуда тезлиги ва масофа танлашмаслиги, фойдали контентларнинг мавжудлиги яъни, турли фан-техника ёки тил ўрганиш борасидаги видеолар жойлайдиган гуруҳларнинг мавжудлиги, техника тараққиётининг бу босқичида ҳатто кичик ёшдаги болаларнинг турли гаджетлардан фойдалана олиш интеллективнинг ортганлиги, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, ривожлантириш ва бошқалар. Шундай экан, азизлар, ҳулоса қилиш ўзимиздан. Замон билан ҳамнафас юрамиз, деб аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган ва умумэтироф этилган одоб-ахлоқ меъёрлари ҳамда маънавий қадриятларимизни оёқ ости қилишимиз мумкин эмас. Асрлар оша давом этиб келган одобимиз, ахлоқимиз ва тарбиямиз билан келажак авлодга ўрнак бўлайлик!

Оттабек ҚОБИЛОВ, ёшлар етакчиси.

Реклама

Advertisement for MKBank Sherdor kartasi. Headline: MKBankning Sherdor kartasi — premium qulayliklar siz tomonda! Key features listed: Karta narxi: 70 000 so'm, 1 oylik abonent to'lovi — BXMning 15%, Afzalliklari: Toshkent xalqaro aeroportidagi CIP Lounge hududiga yiliga 4 martagacha bepul kirish; Yiliga 6 martagacha dunyo bo'ylab aeroport lounge va CIP zallariga bepul kirish; Mashhur restoranlar, do'konlar va xizmat ko'rsatish maskanlarida 20 foizgacha chegirmalar; Zeekr avtomobillari xaridida maxsus chegirma; Golden House xonadonlari uchun imtiyozli narxlar. Intmiyozlar ro'yxati doimiy ravishda yangilanib boriladi. Xizmatlar litsenziyalangan

Бугун медиамакonda маданиятизлик, ахлоқсизлик кўринишлари, миллатимиз маънавиятига зид бўлган ғоялар кенг тарғиб этилмоқда. Бу билан кимлардир ўзларнинг ғаразли манфаати йўлида миллий ва диний қадриятларимизга, халқимизнинг эзгулик ҳамда яхшиликка йўғрилган ўзига хос, умрбоқий анъаналари илдизига болта уришга уринмоқда. Бундай ҳолатга биз, матбуотчилар томошабин бўлиб, қараб туришимиз ёки эътиборсиз бўлишимиз ҳеч бир мезонга тўғри келмайди.

Инсоният тарихининг барча даврида улуг аждодларимиз миллатимиз шаъни, кадр-қимматини юксакларга кўтариш, миллий қадриятларимизни эъозлаш йўлида курашган, бу борада дунё халқларига ибрат бўлган. Бугун биз ҳам бу борада кўпларга ибрат бўлишимиз лозим. Минглаб фолловерлар кўз ўнгига куртак ёзиб, униб-ўсиб, никоҳ ва бахтли оила даражасига борган чиройли муҳаббат қиссаларидан тортиб обуначилар эътиборини тортиш учун ҳазил тарикасида қўйилган никоҳ постларига ҳамда урач туради. Ўзбек сегментидан энг кўп гаплашадиган мавзулар кўпхотинлилик, хиёнат, қайнона-келин можаролари ҳисобланади. Ижтимоий тармоқ дегани ҳақиқий топила чикди-да! Хоҳлаган одамнинг билан гаплашасан, истаганча фикр қолдирасан, “лайк” босасан, суратлар билан